

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Наманган вилоят ҳокимлигининг
ягона буюртмачи инжиниринг
компанияси директори



Д.Матмусаев

2022 йил

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН КҮРСАТМАЛАР

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИНИ МАЗМУНИ:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Наманган вилояти, Чуст туман Қалан-Поён МФЙ МФЙдаги 48-сонли ОШПни мукаммал таъмирлаш обьектини лойиха-смета хужжатларини (бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) тайёрлаш

1.2 Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 39 200 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якуnlари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича

Ушбу танлов якуnlари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бошланиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ

2.1. Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжинииринг компанияси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Наманган шахар Амир Темур кўчаси -105 уй, электрон адрес: namuagona@exat.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий ва бошқа талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувохнома, (агар халқаро сертификат мавжуд бўлса);
- Танлов таклифини таъминлаш тўғрисидаги Декларация;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Лойиҳалаш (Курилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳаланадиган обьектни ўргангандлик тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солик тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;

- Танловдаги охирги 3 йиллик иш тажрибаси (шу жумладан танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича);

- Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати.

- Лойихалаш жараёнидаги зарур холларда маҳсус лицензияга эга бўлган ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот;

- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида тургандар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаоб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

• Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида

ДЕКЛАРАЦИЯ

(Лойихачи ташкилот номи)

учун

лойиха-

(Лойиҳаси тайёрланадиган объект номи)

смета хужжатларини тайёрлаш бўйича

Кимга: **Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжинииринг компаниясига**

Биз қуида имзо чекувчилар, шуни билдирамизки:

Контракт шартномаларига мувофиқ, танлов таклифимиз ушбу таклифни таъминлаш тўғрисидаги Декларация билан қўллаб қувватланади.

Агар танлов шартлари бўйича мажбуриятларимиз қўйидагилар оқибатида биз томонидан бузилганда, Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжинииринг компанияси билан Инвестиция дастурлари ва маҳаллий бюджет маблағлари бўйича тузиладиган хар қандай контракт учун танлов таклифини тақдим этиш хукуқини Буюртмачининг билдиришномаси олинган пайтдан бошлаб 5 йиллик даврга йўқотишимиизни қабул қиласиз:

- Танлов таклифномасида кўрсатилган танлов амал қилиш даврида бизнинг таклифимизни қайтариб чиқаривсан экан;
- танловни амал қилиш даврида бизнинг таклифимиз қабул қилинганлиги тўғрисида буюртмачидан билдиришнома олганимиздан сўнг, контрактни бажариш талаб этилганда контрактни бажармасак ёки бажаришдан бош тортсак, контрактни бажариш кафолатномасини тақдим қиласак, ёки тақдим қилишдан бош тортсак.

Танлашда бизнинг таклифимиз ғолиб деб топилмаган тақдирда, мазкур декларация ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

(имзо)

(Ташкилот номи)

(фамилияси ва исми)

М.ў

2022 йил “_____”

ШАКЛ № 1

Лойихачи ташкилот _____ нинг ташкилий структураси

(такшилот номи)
Ушбуни тузилган сана: «_____» 20 ____ г.

(Исми ва фамилияси)

Танлов иштирокчиси тұғрисидаги умумий ахборот

Танлов иштирокчисининг номи _____
 Рахбарнинг фамилияси исми,
 ва отасининг исми _____
 Манзил ва телефон (факс) раками _____
 Юридик макоми _____
 Ташкил этилганды сана (бүйрүк ёки карор ким томондан берилген) _____
 Faoliyati тури буйича ихтисослашуви _____

Рахбар ва унинг уринбосарлари:

Тар. рақа ми	Ф.И.Ш.	Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Умумий иш тажрибаси
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (ГИП, ГАП ва бошқалар)

Тар. рақа ми	Ф.И.Ш.	Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Умумий иш тажрибаси
1	2	3	4	5	6

Доимий ходимлари (ишчилар)

Тар. рақа ми	Мутахасисликлар номи	Мутахасислиги бўйича жами ходимлар сони	Шундан мутахасислигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлганлар	Шундан ЛСХ тайёрлаш соҳасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар
1	2	3	4	5
Жами:				
Шундан				
ГИПлар				
ГАПлар				
Лойихачилар				
Сметчиклар				
ва бошқалар				

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20 ____ йил «____»
М.Ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан
имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчисининг молиявий холати.**охирги 3 йилдаги молиявий хисботлари асосида**

Танлов иштирокчисининг номи _____

(минг сум)

АКТИВЛАР	2019 й.	2020 й.	2021 й.	ПАССИВЛАР	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Узок муддатли активлар				Узлик маблагларнинг манбалари			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шу жумладан ишлаб чикариш захиралари				Таксимланмаган фойда			
ҚОЛДИҚ киймат				Мажбуриятлар			
Капитал куйилмалар				Заёмлар			
Тугалланмаган ишлаб чикариш				Кредитор карзлар			
Жорий активлар				Шундан тулов муддати утган карзлар			
Айланма маблаглар				Шундан бюджет буйича карзлар			
Улардан ишлаб чикариш захиралари				Мехнатга хак тулаш буйича карзлар			
Дебитор карзлар							
Шу жумладан тулов муддати утган карзлар							
Жами баланс актив буйича				Жами баланс пассив буйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(минг Сум)

НОМИ	2019 й.	2020 й.	2021 й.	НОМИ	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум				8. Соф фойда			
2. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда				Шу шундан асосий фаолиятдан фойда			
3. Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш таннархи				Умумхужалик фаолиятидан			
4. Административ харажатлар				9. Асосий фаолиятнинг фойдаси			
5. Бошка харажатлар				10. Умумхужалик фаолиятининг фойдаси			
6. Даромад солиги тулангунга кадар фойда				11. Заар			
7. Даромаддан солик				Шу жумладан: асосий фаолиятдан Умумий хужалик фаолиятидан			

Баланс фойдаси _____

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги ҳар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фукаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар _____
(имзо)
М.Ў.Бош хисобчи _____
(имзо)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил « ____ » _____

Ушбу шаклга “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

4- Шакл

Танлов иштироқчисининг охирги уч йилда бажарган иш тажрибаси (2019 й.-2020 й.-2021 й.)

Танлов иштирокчисининг номи:

Ахборотингизда сўралган йиллар давомида ўзингиз иштирок этган барча объектларини санаб ўтишингизни сўраймиз

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар кандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар: _____
(имзо) _____ (Ф.И.Ш) _____

Ушбу тузилган сана: 20__ ийл «__» _____
М.Ү

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**ЛОИХАЛАШ (ҚУРИЛИШ) МАЙДОНЧАСИНИ
КҮЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТҮӨРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланади-ки, мен _____ си бошлиги
_____, Наманган вилояти, _____ объектини
лойиха-смета хужжатларини бажариш бўйича ажратилган қурилиш майдончаси ва
унга туташ худудларда бўлдим, курув ўтказдим, шунингдек:
а) худудни батафсил ўргандим;
б) лойихалаш хужжатларини ўргандим.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вактида бажарилишига, келгусидаги
ишларнинг қийматига, лойихалаш ишларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли
шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу
ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__»
M.Ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан
имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчисининг лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган орттехника ва механизмлари рўйхати

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фукаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси:

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Ушбу түзилгандын сана: 20__ йил «__» ____
М. Ы

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА
ЁРДАМЧИ ЛОЙИХА ТАШКИЛОТНИ ЖАЛЬ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____
М.ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан
имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

Изохлар:

3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи лойихачи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектларининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича баҳолаш якунларига кўра 70 баллдан кам балл тўпласа, муқаммал таъмирлаш обьектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш обьектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 50 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф қуидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган хужжатлар кўриб чиқилмайди. Шунингдек, солик бошқармасидан маълумот тақдим этилмаса ҳам хужжатлар баҳоланмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари қуида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий ҳисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

Танлов хужжатларига қуидагилар ҳам илова қилинади.

- Лойихалаш ишларини бажариш бўйича Қурилиш вазирилиги томонидан берилган лицензия нусхаси илова қилинади.
- Юридик шахсни Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувохнома нусхаси илова қилинади.
- Лойихачи ташкилотга халқаро сертификат берилган бўлса илова қилинади.